

Аллоҳ биз билан!



08:00 / 09.01.2021 2941

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан (мушриклардан қочиб, яширинган) ғорда эдик. Мен уларнинг (таъқиб қилувчиларнинг) оёқларини кўрдим, улар бошимиз устида эди. «Эй Аллоҳнинг Расули, агар улардан бири оёғининг тагига қараса, бизни кўриб қолади!» дедим. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Абу Бакр! Учинчиси Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида нима дейсан?»** дедилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан